

*Нигина Башировна Тухтасинова
Мирзо Улугбек номли
Ўзбекистон Миллий Университети докторанти
Тошкент ш. Ўзбекистон*

ТАРЖИМАШУНОСЛИҚДА АГИОГРАФИК АСАРЛАР ТАДҚИҚИ

Аннотация. Мақола таржимашуносликда агиографик асарларни ўрганишга бағишланган. Тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, хориж олимлари агиография соҳасида жуда кўп тадқиқотлар олиб боришган. Аммо ўзбек таржимашунослари ва таржимонлари томонидан агиографик асарларнинг қиёсий тадқиқига бағишланган йирик монографик тадқиқотлар олиб борилмаган. Шундай экан бугунги кунда мазкур соҳага эътиборни кучайтириш ва муаммолар ечимига қаратилган илмий-тадқиқотлар кўламини ошириш лозим.

Калит сўзлар: ислом агиографик асарлари, агиографик терминлар, тарихий фактлар, диний атамалар, атипик таржима.

Аннотация. Статья посвящена исследованию агиографических произведений в переводоведении. Исследование показало, что зарубежные ученые провели много исследований в области агиографических работ. Несмотря на наличие в узбекской лингвистике литературной критики огромных монографических работ и исследований по изучению агиографических произведений, следует отметить первые шаги, сделанные в узбекском переводоведении, что является требованием времени.

Ключевые слова: исламские агиографические произведения, агиографические термины, исторические факты, религиозные термины, нетипичный перевод.

Annotation. The article is devoted to the study of hagiographic works in translation studies. The study showed that foreign scientists have conducted a lot of research in the field of hagiographic work. Despite the presence in the Uzbek linguistics of literary criticism of huge monographic works and research on the study of hagiographic works, the first steps taken in Uzbek translation studies should be noted, which is a requirement of the time.

Key words: Islamic hagiographic works, hagiographic terms, historical facts, religious terms, atypical translation.

Агиографик асарлар ва уларнинг таржимаси хусусидаги тадқиқотлар асосан мазкур манбаларнинг бадиий таҳлили билан боғлиқ ҳолда ўтказилган. Асарларнинг таржимаси таҳлили этнографик, антропологик, фолклоршунослик ва маданиятшунослик йўналишларидаги тарихий фактларнинг реаллик даражасини ўрганиш ва уларни далиллаш мақсадида амалга оширилган. Хорижий тилларга ўгирилган асарларнинг таржимаси ҳам асосан дин вакиллари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, унда асосий эътибор тарихий маълумотларнинг ҳақиқатга мувофиқлигига қаратилган ва асарнинг таржима тамойилларига риоя этиш даражаси етарлича ўрганилмаган. Бу эса ўз навбатида

таржимашунос олимлардан катта масъулият ва чуқур тарихий билим талаб этади.

Александра-Флора Пифарре агиография ва унинг адабиётдаги ўрни ҳамда мазкур асарларда ёритилувчи воқеалардаги тасаввурлар билан боғлиқ ҳолатлар таҳлилига бағишланган илмий ишларни тадқиқ этган. Тадқиқот доирасида тўплам ишлаб чиқилиб, агиографик асарларнинг бадиий ва филологик хусусиятларини ёритиб берувчи кўплаб илмий манбаларни ўзида қамраб олган. Агиографик асарлардаги жой номлари, уларнинг воқеаларга мутаносиблиги, муқаддас манбаларда сув билан боғлиқ метафоралар таҳлили, замонавий агиографияда «success-story»ларнинг шаклланиши (“муваффақият ҳикояси”), маърифатпарварлик даврида яшаб ўтган авлиёлар нутқининг бадиий таҳлили, оғзаки меъросни авлодларга етказишнинг анъанавий ҳамда замонавий усуллари каби масалалар шулар жумласидандир. Шунингдек, мазкур манбада кўплаб авлиёлар ҳаёти ва уларга тегишли бўлган асарлар танқидий нуқтаи назардан ўрганганлигининг ҳам гувоҳи бўлиш мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, танқидчи олимлар мазкур асарларнинг лингвистик хусусиятларини очиб бериш орқали уларнинг асосий мақсадини тушунтириб беришган. Агиографик асарларда ўз аксини топган гендер масалалар билан биргаликда, дуоибат қилиш, қарғиш ва ҳақорат каби ахлоқ қоидаларига зид ҳолатлар учун туртки бўлган афсонавий воқеалар ҳам айнан бадиий нутқ нормаларида таҳлилга тортилган. Бу эса ўз навбатида агиографик тадқиқотлар қамровига нималар кириши мумкинлигини намоён этади.

Себастиен Фрай Олт ва Дордонг давлатларининг агиографик ёзувлари ойнасида дунёвий аристократияни очиб берувчи кенгқамровли тадқиқот олиб борган. Мазкур тадқиқот бадавлат тарихий шахсларнинг авлиё даражасига кўтарилиши ҳақидаги асарлар таҳлилига бағишланган. Асарлар таҳлили этнографик ва антропологик изланишлар асосида хулосаланган бўлсада, олим агиографик асарларнинг лотин тилидан француз тилига таржимаси орқали кириб келган манбаларни ҳам ўрганиб, уларнинг аслиятга яқинлик даражасини таҳлил этган. Таржима орқали етказилган агиографик матнларнинг аксариятини “*атипик таржималар*”^{*} дея баҳолаган, яъни маълум бир таржима тамойилларига асосланмаган ва манбалар берилишида эркин ёндашув асосида берилган матнлар назарда тутилган. Тадқиқотда, шунингдек, тарихий асарлардан ташқари сиёсий-дипломатик матнлар, арбоблар нутқи, мактублар ва мурожаатномаларда ҳам агиография таъсири мавжудлиги таъкидланган. Себастиен Фрай илмий изланишлари агиографик матнларнинг *паренетик*, яъни мурожаат қилиш, воқеаларни халққа етказиш жараёнида риторик савол қўйиш хусусиятига эгаллиги ҳамда матнлар таҳлилига алоҳида аҳамият берганлиги билан филологик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Авлиё Жералдининг уруш даврида сўзлаган лотин тилидаги нутқларидан қуйидаги намуналарни келтириб ўтилган:

“*Liber miraculorum sancti Geraldi! Liber almi pontificis Bibiani!*”

Кўплаб манбаларни ўзида мужассамлаштирган ушбу тадқиқотнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, таҳлил жараёнида матнлар услуби, таржима адекватлиги ва лингвомаданий хусусиятлари кенг ёритилган.

Ислом оламида ёзилган адабиётларнинг агиографик тадқиқотларга мувофиқлигини таҳлил этган олим Бала Садек ўз назарияларини исботлаш мақсадида араб тилидан француз тилига таржима қилинган баъзи диний манбаларни шарҳлаб ўтади. Шарҳлаш жараёнида матнларнинг назмий асар эканлигига асосий эътиборни қаратиб, исломда мазкур йўналишда динга хос маълумотларнинг келтирилиши уларни чет тилларига ўгирилишини янада мураккаблаштиришини таъкидлаб ўтган. Агиографик матнлар таржимасида А.Банфурнинг мазкур турга хос матнлар муаллифи ва рецепиент муносабатига мувофиқ таржима қилиш услубини ижобий баҳолаб, ушбу муносабатларни қуйидаги турларга бўлиб чиққан:

– воқеалар муаллифи сифатидаги фарқланишлар: рухоний, авлиё, тасаввуфчи, уста, биограф, коллекционер;

– матн адабий ёки прогноз қилинган майдон сифатида: жанр, қўлёзма, ҳужжат, таржимаи ҳол (биография), автобиография;

– рецепиентнинг фарқланиши: мўмин, танқидчи, шогирд, тарихчи, тадқиқотчи, антрополог¹.

Демак, агиографик адабиётлар ўзининг қабул қилувчи аудиторияси, шунингдек, илмий ва диний асосларига мос равишда чет тилига таржима қилиниши мумкин. Диний терминларнинг мураккаблиги уларни таржима қилиш жараёнига алоҳида (индивидуал) ёндашувни талаб этади. Терминлар маҳаллий халқ вакиллари тилида ва тафаккурида ҳосил қилган тасвир уни чет тилида қабул қилувчиникига нисбатан фарқ қилади. Хусусан, уларнинг бадиий адабиётдаги ўрни терминга нисбатан тасаввурларни янада кенгайтиради, натижада таржима жараёнида кўшимча изоҳларга эҳтиёж пайдо бўлади. Араб адабиётларидаги исломий терминларнинг берилишини таҳлил қилган олим П.-Г.Пернэ уларни халқ оғзаки ижодиётидаги моҳиятига кўра қуйидагича баҳолайди:

“Les circonstances de l’énonciation et la terminologie locale sont notées, ce type de document constitue une base pour reprendre l’examen de la question des genres littéraires berbères”. Маҳаллий халқ тилида ифодаланувчи диний терминлар қўлланилиш вазиятига кўра изоҳни талаб этади. П.Г.Пернэнинг қайд этишича, агиографик матнлардан илоҳийлаштиришга хос шундай сўзлар борки, уларни матндан тушуриб қолдириш матннинг аслиятга мувофиқлиги ва агиографик хусусиятининг йўқолишига олиб келиши мумкин. Матн таркибида фойдаланилган агиографик терминлар асосида ўзига хослигини сақлаб қола олади. Шунинг учун ҳам бундай терминларнинг таржимада акс эттирилишида бефарқ бўлмаслик лозим, дейди олим П.Г.Пернэ ўз тадқиқотларида. Олим араб тилидан француз тилига таржима қилинган авлиёлар ҳақидаги дostonларни ўрганар экан, улардаги ҳар бир терминнинг француз тилидаги эквиваленти билан биргаликда шу термин изоҳини ва араб тилидаги айтилиши бўйича лотин ёзувида берилган вариантини келтириб ўтади. Мазкур терминларни антропология ва этномусиқашунослик нуқтаи назаридан шарҳлаб беради. Унинг таъкидлашича, агиографик терминларнинг маҳаллий изоҳли луғати

етишмаслиги воситачи кўнгилли (волонтёр) таржимонлар томонидан нотўғри ўгиришлар ва янглиш маълумотларнинг берилишга сабаб бўлиши мумкин.

Ислом оламидаги агиографик адабиётлар таржимаси тамойиллари таҳлили билан биргаликда насронийлик динига хос агиографик адабиётлар таржималарининг қиёсий таҳлили чет тилида ўгиришдаги янгича ёндашувларни келтириб чиқаришга замин яратади. Япониялик тадқиқотчи Сатоши Тода² шарқий насронийларга хос агиографик адабиётлар таржимаси доирасида кенг илмий изланишлар олиб борган. Мазкур тадқиқотнинг эътиборли жиҳати шундаки, юқорида қайд этилган олимлар тамойилларига мувофиқ С.Тода ҳам таржима қилинган адабиётлар таҳлилинини ўрганишдан аввал, агиографик адабиётларда ифодаланган маҳаллий халқ тили ва ундаги агиографик терминларнинг семиотик тадқиқига алоҳида аҳамият берилган. Насронийлик динига оид агиографик адабиётлар таржимаси тарихи синчиклаб ўрганилган ва аслият билан қиёсланган. Сурия, грузин, эфиоп ва арман тилларига ўгирилган агиографик адабиётлар тарихий фактлар асосида шарҳланган. Византия давридан то Ўрта асрларга қадар бўлган агиографик адабиётлар таржимаси тарихи ва тамойиллари, усуллари чуқур тадқиқ этилган. Олимнинг эътирофи этишича, қадимги адабиётлар турли лингвокультурологик тўсиқларга қарамасдан мукамал таржима қилинган, бироқ ўша даврларда таржимонлар шахс китобларда кўрсатилмаган. Шунинг учун ҳам С.Тода таржима усулларини қайд этишда асарлар номлари ва уларнинг даврий берилишига кўра ажратиб кўрсатган. Масалан, “Барлам ва Йософ”, “Агатанж китоби” ва “Мисрлик Авлиё Макер ҳаёти” асарлари таржимасида ислом динининг таъсири сезилиши мисоллар таҳлили орқали очиб берилган. Хусусан, баъзи насронийлик динига хос агиографик терминлар талаффузи ва ёзилишида араб тили таъсири яққол намоён бўлганлиги қайд этилган. Таржима қилинган асарларни таҳлил қилиш жараёнида турли услубий тўсиқларга дуч келиб, агиографик адабиётлар таржимасида асосан ижодий ёндашилганлигини таъкидлайди. Мураккаб тавсифни талаб этувчи терминлар маҳаллий халқнинг дунёқараши ва маданиятига мослаштирилган ҳолда ўгирилган. Бироқ С.Тоданинг таъкидлашича, агиографик асарларни таржима қилишда чуқур диний билимга эга бўлиш ҳамда тарихий фактларни инобатга олиш керак бўлади. Шу ҳолдагина асарнинг асл моҳияти тўлиқ сақланиб қолиши мумкин.

“Роланд ҳақида кўшиқ” достони ва ундаги баъзи матнлар таржимасини таҳлил этган М.Лапуант асарга хос агиографик матнларни уч томонлама, яъни тарихий, бадий ва диний жиҳатдан ўрганиб чиққан. Баъзи агиографик терминларнинг дostonда турли кўринишда берилишининг сабаби манбаларни лотин тили бўйича мутахассислар эмас оддий маҳаллий халққа маълумотларни етказувчи шоирлар томонидан таржима қилинганлиги сифатида кўрсатиб ўтилган. Бироқ мазкур тадқиқотда таржима тамойиллари эмас, балки лотин ва француз тилларида берилган диний матнларнинг илмий фактларга мослик даражаси қиёсланган. Маълумотларнинг тарихий фактлардан фарқ қилиши диний ва дунёвий билимлар билан исботланган.

Ғарб ва Шарқ агиографияси шаклланиши, таркиби, турлари ҳамда моҳияти жиҳатдан тубдан фарқ қилсада, уларнинг таржима жараёнида шаклланадиган муаммолари бир-бирига ўхшаш. Ғарбда насронийлик динига хос терминлар ёки агио-терминларнинг берилишида лотин тилидан олинган таржима намуналари таъсири сезилса, шарқда, хусусан, ислом динига оид агиографик адабиётлар таржимасининг бошқа тилларга ўгирилишида араб тилининг таъсири яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар икки манбага таржима жараёнидаги муаммолар ечимига қаратилган қатъий тамойиллар ишлаб чиқирилишини талаб этади.

Агиографик терминлар диний тасаввурларни, халқларнинг эътиқодини ва тафаккурини ўзида акс эттириши билан бирга миллий руҳиятни ҳам ифодалайди. Бундай манбаларнинг таржимада берилиши сўзни матн билан биргаликда таҳлил этиш лозимлигини кўрсатиб беради. Руҳият билан боғлиқ тушунчалар ҳам инсон тасаввурида илоҳиётга оид тасаввурларни келтириб чиқаради ва натижада матн агиографик хусусиятга эга бўлади.

Ислом агиографиясида руҳият таълимотига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, авлиё ва анбиёларнинг тарбия тамойиллари намуна қилиб кўрсатилган. Жумладан, буюк аллома Фаробий ҳам инсон руҳий қувватларини “қуввайи ҳиссийя” (сезиш қуввати) ҳамда “қуввайи фикрийя” (манتيкий жараён)ни ўз ичига олувчи ақл (“қуввайи нотика”)дан ташқари, яна “қуввайи мутахаййила” (хотира ва тасаввур), “қуввайи хаёлия” (хаёл), “қуввайи назъийя” (орзу), ирода ва ҳис-туйғу каби руҳий қувватларга ажратиб, уларнинг ҳар бирини таърифлаб ўтади”³. Миллий руҳ – атрофимизни ўраб турган муҳит, тарих таъсири ва кадриятлар натижасида шаклланган, маълум бир халққагина хос бўлган онг ва тафаккур ифодаси. Маълум бир халққа хос хислатлар, феъл-атвордаги хилма-хиллик ҳамда тафаккур маҳсулларининг бир-биридан жиддий фарқ қилиши ушбу халқнинг ўзига хос миллий руҳи мавжуд эканлигидан далолат беради. Мииллий руҳ миллатнинг ҳақиқий халқ сифатида шаклланиб, дунёда ўз ўрни, ўз ҳуқуқлари бор эканлигини исботловчи асосий тамойиллардан биридир. Шундай экан, асарлардаги миллий руҳни ёритиб берувчи ҳар бир кичик қисм таржимада аслиятдаги моҳиятини йўқотмаган ҳолда берилиши шарт. Таржимашунос олимлар ушбу тушунчани умумлаштирган ҳолда тадқиқ этган бўлишсада, уларнинг назариясидан таржима асарни таҳлил этишда илмий манба сифатида фойдаланишимиз мумкин. Зеро буюк таржимонлар тажрибасидан унумли фойдаланиш муваффақият гаровидир.

Араб тилидаги руҳ ва жон билан боғлиқ агиографик терминларнинг француз тилидаги тавсифи тўғрисида тадқиқот олиб борган Амри Нелли⁴ исломда муқаддаслик ассоциациясини берувчи тушунчаларнинг маъноларини ҳам очиқ берган. Мазкур тадқиқот ислом агиографияси билан боғлиқ асарлар таржимасида муҳим аҳамият касб этади. Муқаддас руҳ, жон ва тана каби тушунчалар маъно-мазмунли масалалари қуйидаги саволлар орқали таҳлил этилган: “*Ce qui pose le problème de la manière de le désigner. Dans le christianisme*

*et dans l'hagiographie chrétienne médiévale le "corps" est cité comme tel ; et même davantage : « Quand les dévots d'un serviteur de Dieu s'adressent à lui, ils se réfèrent souvent expressément à son corps : **O corpus sanctum** ». Dans l'islam et notamment dans l'hagiographie, parle-t-on de "jasad" ou de "jism" al-walî, et quelle place attribue-t-on à ces notions, en relation notamment avec la notion de **nafs** généralement traduite par "âme charnelle" ? L'usage de cette dernière dans "le langage populaire", de l'avis même d'un Hujwirî (1988 : 235), recèle des "significations contradictoires", tels que "esprit", "conscience", "corps" et "sang". Mais c'est dans la **nafs** que, pour les soufis, « réside l'origine et le principe du mal ». Avec quelle fréquence et quelles significations, des expressions comme *jasad muqaddas* (corps saint) et *jasad mubârak* (corps béni ou encore bénéfique car porteur de baraka), sont-elles utilisées par l'hagiographie islamique ?* Мазкур таҳлилга кўра, олим насроний ва ислом динларида мавжуд "муқаддас тана" тушунчасининг кўлланилиш фарқлари ва ҳолатларини қиёсий таҳлил этган. Араб тилидаги "жасад", "жисм" ва "нафс" сўзларининг асл моҳиятини муқаддас тана шакллантиришининг асосий босқичлари сифатида кўриб чиққан. Бундан ташқари, "руҳият", "тафаккур", "тана" ҳамда "қон" сўзларининг исломда агиографик термин сифатида қандай кўлланилиши ва уларнинг насроний динидаги тушунчалар билан ўзаро фарқли жиҳатлари, шунингдек, мазкур сўзларнинг ғарб тилларида берилиши ўрганиб чиқилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида руҳиятга муқаддаслик билан бирга миллийлик тавсифи ҳам ёнма-ён келади. Ўзбек бадиий адабиётида руҳият ўзининг миллий хусусиятига кўра қадрлидир. Юқоридаги тадқиқот руҳиятнинг муқаддас ва олий даражага кўтарилиши билан намоён қилиб, таржима жараёнида мазкур жумлаларнинг ўзаро фарқли жиҳатига кўра ўгирилиши лозимлигини кўрсатади. Амри Нелли тадқиқоти орқали бир қанча ислом агиографиясига хос сўзларнинг француз тилидаги тавсифи берилганлиги ҳамда ушбу сўзларнинг аксарияти бугунги кунда ўзбек тилида ҳам мавжудлиги билан эътиборлидир. Жумладан:

- manâqib (récits de vie, de vertus et de prodiges de saints);
- la sunna (un lieu commun de l'hagiographie islamique);
- akhlâqih (les vertus);
- tazkiyat (la purification) ;
- silsilat al-sanad (chaîne de transmission, ou chaîne initiatique) ;
- la khilâfa (vicariat) ;
- al-khawf (« constamment en proie à la crainte ») ;
- tawba (repentir).

Араб тилидан ўзбек тилига кириб келган *зоҳид*, *фано*, *нафс*, *рисола* ва *барака* каби сўзлар ҳам агиографик термин сифатида французча эквивалентга эга бўлмасада, мукамал тасвирлаб берилган. Тасвирлашда асосан диний манбалардан фойдаланилган. Мазкур тасвир ва тавсифлардан ўзбек тилидан француз тилига агиографик матнларни таржима қилишда фойдаланиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, насроний ва ислом динига хос агиографик терминларнинг ўзаро фарқли ҳамда ўхшаш жиҳатларига мувофиқ ўрганилган илмий тадқиқот сифатида Амри Неллининг ишини юқори баҳолаш мумкин. Чунки мазкур тадқиқот ислом агио-терминлари таржимасида муҳим дастур бўла олади.

Француз олими Франсуа Демонт агиографик асарларнинг аллофон ёзувчилар талқинида берилишини тадқиқ этган. Мазкур тадқиқотда насроний агиографиясига хос матнлар чет тилида сўзлашадиган ёзувчи томонидан француз тилида ёзилганлиги ва бунда қандай қонуниятларга асосланилганлиги очиб берилган. Аллофон томонидан берилган агиографик матнларнинг моҳиятан ўзгаришларга учраши, муқаддаслик, илоҳийлик тасвирлари берилган тушунчалар алмашинуви содир бўлганлиги исботланган. Умуман олганда, чет тилида сўзлашувчи томонидан бериладиган агиографик асар ўзининг баъзи диний хусусиятларини ва аксиологик мазмунини йўқотиши кўрсатиб берилган.

Демак, ўрганилган материаллар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, хориж ва республика олимлари томонидан агиографик адабиётлар асосан файласуфлар, диншунослар, тилшунослар, адабиётшунослар, тарихчилар томонидан жуда кўп ўрганилган. Агиографик адабиётларни ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, янги илмий назариялар ишлаб чиқилган. Аммо ўзбек таржимашунослари ва таржимонлари томонидан агиографик асарларнинг қиёсий тадқиқига бағишланган йирик монографик тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу билан бирга агиографик терминларнинг икки ва кўп тилли таржима ҳамда изоҳли луғатлари яратишнинг назарий ва амалий масалаларини ҳал этишга қаратилган йирик монографик тадқиқотлар мавжуд эмас. Шундай экан бугунги кунда мазкур соҳага эътиборни кучайтириш ва муаммолар ечимига қаратилган илмий-тадқиқотлар кўламини ошириш лозим.

Агиографик асарлар таржимасини ўрганишда асосан қиёсий таҳлил қилинган. Жумладан, ислом агиографик асарларининг чет тилларига таржимасини беришда сўз ҳамда жумлаларнинг аввало араб тилидаги асл моҳияти чуқур таҳлил этилган. Агиографик терминларнинг луғавий маъноси эмас, балки контекстуал моҳияти эътиборга олиниши, яъни инсон руҳияти билан боғлиқ тушунчалар диний аҳамиятига кўра таржима қилиниши лозим.

Лотин тилидан бошқа ғарб тилларига таржима қилинган насроний агиографик матнлар таржимаси тўғрисидаги тадқиқотлар натижасини шуни кўрсатадики, агиографик матнлар таржимасида сўзларнинг этимологияси, тарихи, диний ҳамда ахлоқий қонуниятларда иштироқи инобатга олиниши лозим. Шунингдек, агио-терминлар таржимасида, хусусан, насроний динига хос матнларда лотин тилидаги сўзлар ўзлаштириш орқали берилган ва чет тилидаги шарҳлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Асосий ўзаги лотин тили бўлган Европа тилларига насроний агиографик матнларни таржима қилиш мураккаблик туғдирмайди, бироқ славян тилидаги давлатлар, хусусан шарқий Европа тиллари ҳамда европа қитъасига кирмайдиган, асосан бошқа динларга эътиқод қилувчи халқлар тилларига насроний агиографик асарларни таржимаси жиддий таъсирларга учраган. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда йўл қўйилган хотоларни тузутиш мақсадида йўналишга хос асарларни таржима қилишда дин тарихига таяниш тавсия этилади.

Умуман олганда, ҳар қандай асар таржимаси мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таржима қилинаётган асар хусусиятлари алоҳида аҳамиятга эга. Таржимада фон билимлар асардаги мураккаб тушунчаларнинг адекват берилишини таъминлайди. Агиографик терминларнинг ҳам таржимада

берилиши тарих, дин, фалсафа ва адабиёт каби бир қанча соҳаларга мурожаат этишни тақозо этади. Чунончи агиографик терминларнинг маъноси дин билан боғлиқ бўлиб, тарихий факт орқали асосланади ва мантиқий таҳлилда янада ёрқин намоён бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Alexandra-Flora PiFarré. Hagiographie, imaginaire, Littérature. Paris, 2015. –P. 24.
2. Sébastien FRAY. L'aristocratie laïque au miroir des récits hagiographiques des pays d'Olt et de Dordogne (Xe-XIe siècles), –Paris, 2011. –P.1368.
3. Sébastien FRAY. L'aristocratie laïque au miroir des récits hagiographiques des pays d'Olt et de Dordogne (Xe-XIe siècles), Paris, 2011. – P. 676.
4. Sadek Bala. Quelques contributions à l'étude du genre hagiographique. Université de Béjaïa, 2008. 174 p.
5. BOUNFOUR, Abdellah, 2005, Introduction à la littérature berbère, 2- Le récit hagiologique, Editions Peeters, –Paris, Louvain.
6. Paulette-Galand Pernet, Littératures berbères des voix et des lettres, Puf. –Paris, 1998, –P.74-78.
7. Mélissa Lapointe. Roland, Chevalier Du Christ : Herméneutique Chrétienne Dans La Chanson De Roland. –QUÉBEC, 2004. –P.119.

